

Химор нима? | Сийрат дарслари (264-дарс)



19:00 / 13.01.2024 3360

353. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **«Ҳайз кўрувчининг намозини Аллоҳ фақат химор билан қабул қилади»**, дедилар».

Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Изоҳ: Химор – аёл кишининг боши ва кўксини тўсиб турадиган рўмолга ўхшаш нарса.

354. Авс ибн Авс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, жума энг афзал кунларингиздандир. Унда Одам халқ қилинган. Унда қабз ҳам қилинган. Унда нафх (пуфлаш) бор. Унда соъқа (қичқириқ) бор. Бас,**

унда менга саловотни кўпайтиринг. Албатта, саловотларингиз менга кўрсатилади», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, сизга саловотларимиз қандай кўрсатилади, сиз чириган бўлсангиз?» дейишди. Аллоҳ аzza ва жалла анбиёларнинг жасадларини ерга ҳаром қилгандир», дедилар».

Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

355. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам: «Қуёш чиққан куннинг энг яхшиси жума кунидир. Унда Одам халқ қилинди. Унда у жаннатга киритилди. Ўша кунда у ундан чиқарилди», дедилар».

Бошқа ривоятда: «Қиёмат куни ҳам фақат жума куни қоим бўлади» зиёда қилинган.

Муслим ривоят қилган.

356. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам жума кунини зикр қилдилар ва: «Унда бир соат бор, қай бир мусулмон банда ўша соатда туриб намоз ўқисаю Аллоҳдан бирор нарса сўраган ҳолида тўғри келса, албатта, У зот унга ўшани бергайдир», дедилар ва қўллари билан ўша(соат)нинг озлигини кўрсатдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.